



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИ ВА КИМЁ СANOАТИДАГИ ЛОЙИХАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 5 июль куни қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда кимё саноатидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.**

Бундан бир йил олдин, 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга оид қарори қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи, Агрегат заводи, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи ва “Технолог” акциядорлик жамиятларининг устав капиталдаги давлат улушлари уч йил муддатга “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятига ишончли бошқарувга берилган эди. Тармоқ корхоналарининг рентабеллигини ошириш, маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва таннархини пайсатириш вазифалари белгиланган эди.

Ўтган даврда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводидаги ишлаб чиқариш майдонлари 68 фоизга мақбуллаштирилиб, ускуналардан фойдаланиш самарадорлиги оширилди. Натижада маҳсулот таннархи 4 фоизга пасайди ва қарий 45 миллиард сўм иқтисод қилинди. Хорижий ишлаб чиқарувчилар билан музокаралар ўтказилиб, 80 — 100 от кучига эга бўлган тракторлар нархлари 15 — 20 фоизга арзонлаштирилди.

Минск трактор заводи билан ҳамкорлик ўрнатилди. Бу шериклик доирасида Ўзбекистонда ҳар йили 3 мингга трактор ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, корхоналарнинг технологик ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техникалар билан таъминлаш бўйича ҳали вазифалар кўп. Тармоқда мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражаси 19 фоиз, маҳаллийлаштириш ўртача 20 фоиз экани мутлақо қониқарли эмас. Маҳаллий техникалар нархи импорт техникаларга нисбатан 10 — 15 фоиз қиммат.

Шу боис тақдимотда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ташкил этиш, қувватлардан фойдаланиш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳрида жойлашган тармоқ корхоналарини Чирчиқ шаҳрига кўчириш ва уларнинг негизда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Режага кўра, Тошкент ва Чирчиқдаги қишлоқ хўжалиги техникаси заводлари, Агрегат заводи, “Технолог” ва “ЎзКлаас Агро” корхоналари саноат кластери усулида ягона майдонда жойлаштирилади. 1 минг 200 та ускуна ва жиҳоз, 28 турдаги техника оптималлаштирилиб, ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш 85 фоизга, маҳаллийлаштириш 50 фоизга етказилади. Натижада ишлаб чиқариш таннархи 20 фоизга пасайиб, корхоналарнинг рентабеллик даражаси 10 фоизга ошиши кутилмоқда.

Молия вазирлигига кластерни ташкил этиш билан боғлиқ дастлабки харажатлар учун 500 миллиард сўм ажратиш вазифаси қўйилди. Бу маблағ тармоқ корхоналарининг биноиншоотлари ва майдонлари аукцион савдоларида сотилиши ҳисобидан қайтарилади.

Президентимиз маҳаллийлаштириш борасидаги ишларни давом эттириб, техникалар нархини арзонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Хусусан, Минск трактор заводи билан ҳамкорликда ишлаб чиқариладиган тракторларни маҳаллийлаштириш даражасини келгуси йил 40 ва 2023 йилда 50 фоизга, “ЎзКлаас Агро” бўйича бу кўрсаткични 25 фоизгача етказиш вазифаси қўйилди.

Шу билан бирга, маҳаллий техникаларни сотиб олиши учун фермер хўжаликлари ва кластерларга энгиллик яратиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда лизингнинг бошланғич тўловини 25 фоиздан 15 фоизга ва фоиз ставкасини 16 фоиздан 7 фоизга тушириш ҳамда лизинг муддатини 5 йилдан 7 йилга узайтириш тақлифи билдирилди.

Халқаро тажрибани ўрганиб, қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Тақдимотда кимё кластерлари ташкил этишга оид лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

Хусусан, “Навоийазот” акциядорлик жамияти негиздаги кластерда умумий қиймати 3 миллиард 400 миллион долларлик 23 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Уларнинг самарасида йилгига 1 миллиард 800 миллион долларлик маҳсулот тайёрлаш қуввати ва 3 минг 100 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Лойиҳалардан бири — карбамид-формальдегид концентрати ва смоласи ишлаб чиқариш корхонаси яқинда ишга туширилди. Сульфат кислотаси бўйича яна бир лойиҳа ҳам шу йил фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, Навоий шаҳридаги “Электрохимм-заводи” қўшма корхонасида углерод толлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади.

Тақдимотда пойтахтимизнинг Улуғбек шаҳарчасида илмий кимё кластерини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 июль куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларининг икки томонлама кун тартибидоги долзарб масалаларни кўриб чиқдилар ҳамда минтақавий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашдилар. Минтақамизда Афғонистон йўналишидаги аҳволнинг ёмонлашиши ва кескинлигининг кучайиши билан боғлиқ вазиятнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Яқин идоралараро мувофиқлашувни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Шунингдек, Президентлар бўлажак олий даражадаги тадбирларни, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини ўтказиш режасини кўриб чиқдилар.

Ў.А.

## Қонунчилик палатаси фракцияларида



## ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ МУВОЗАНАТИ

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар дастлаб “Уй-жой кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.**

Айтиш жоизки, мамлакатимиз аҳолиси йилдан-йилга кўпайган бўлса-да, яқин йилларга чад уларнинг уй-жойга бўлган талабини қондиришга етарлича эътибор қаратилмади. Натижада талаб ҳамда тақлиф мувозанати бузилди ва бу кўпгина ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Кейинги йилларда эса давлатнинг уй-жой сиёсати буткул ўзгарди. Бу борада янгиликлар ҳамда механизмлар ишлаб чиқилди. Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифаларининг уй-жой ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган бир қатор янгиликлар киритилди. Аммо амалдаги қонун нормалари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермай қолди. Шу боис янги таҳрирдаги Уй-жой кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тўғридан-тўғри амал қилиниши таъминланади ва давлат назорати ўрнатилади. Давлат ҳамда жамоат эҳтижларидан келиб чиққан ҳолда қурилиш, реконструкция қилиш ва бузиш ишларини амалга ошириш тартиби янада такомиллаштирилади. Жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг бу борадаги қонун ҳужжатларига риоя этишдаги масъулияти ошди, қурилишга тадбиркорлик субъектларини янада кенг жалб қилишга эришилади. Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил давлат сиёсати амалга оширилади.



## ■ Муносабат

Маърузада ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кўпгина тадбирларга ургу берилди. Масалан, жорий йилдан иқтисодий ёшлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари ҳисобидан чет элларда стажировка ўтай бошлайди. Узимизда ишлаётган, халқаро рейтингларда мингталikka кирган олийгоҳни тугатган ва чет элда илмий иш қилган ёш мутахассисларга қўшимча ҳақ тўлаш ҳам йўлга қўйилди.

Шу ўринда айтиш жоиз, “ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастурлари” тадбирлари доирасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида 2021 йилнинг ўтган 8 ойи давомида 430 минг нафар йигит-қизнинг муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Қолаверса, “темир дафтар”даги оилалар фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабалар-

нинг шартнома пуллари тўлаб берилди.

Бу йилдан бошлаб иш берувчиларга уларнинг 25 ёшдан ошмаган ишчи-ҳодимлари учун ҳисобланган ижтимоий соғлиқ суммасини бюджетдан тўлиқ қайтариб бериш тартиби жорий қилинганлини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Натижада шу йилнинг иккинчи ярмида 170 миллиард сўм, келгуси йилда эса 500 миллиард сўм маблағ 240 минг нафар йигит-қизни ишга қабул қилган тадбиркорлар ихтиёрида қолади.

Қасб-хўнаар мактаби ҳамда техникумлар ўқувчиларига корхонада амалиёт ўтаган даври учун 6 ой давомида 500 минг сўмдан субсидия бериш жорий этилиши эса ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун катта рағбат бўлди. Шуларга мос равишда ётоқхона билан таъминланмаган 62 минг нафар талабага ойлик ижара тўловининг 50 фоизини бюджетдан қўллаб бериш бошланганлиги ҳам барчамизга мамнуният бағишлайди.



## ЮКСАК ИШОНЧНИ, АЛБАТТА, ОҚЛАЙМИЗ!

Ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, Ватанимизнинг истиқбол учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор ҳамда ишжорали йигит-қизларни тарбиялашга йўналтирилган алоҳида тизим яратилди.

Президентимизнинг саъй-ҳаракати билан юртимизда кўзга ташланаётган ижобий ўзгаришлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишлар ҳар қанча эътирофга муносиб. Айниқса, биз, навқирон авлод учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар барчамизни янада масъулият билан олға олдирмоқда.

Хусусан, келажак ворисларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш, жамиятда уларни сиёсий фаол қатламга айлантириш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий билиминини бойитиш, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб

этиш мақсадида Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси ҳузурида Ёшлар парламентлари тузилганлиги, биз, ўғил-қизларга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир.

Жорий йил 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тенқурларимиз билан учрашувини бир умрга қалбимизга муҳрланган қоладиган таассуротларга бой бўлди.



## «ЎРИКЛИСОЙ»ДА КЕЧАЁТГАН ИЖОД БАЙРАМИ



### Семинар

Адабиёт — миллатнинг жон томириндир. Қайсики мамлакатда адабиётга эътибор қаратилса, унда улғайувчи авлод маънан етук ва баркамол бўлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Зомин туманининг “Уриклисой” оромгоҳида уюштирилган Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари бир неча йиллардан буён истеъдодли ёшларни кашф этишга хизмат қилиб келмоқда.



## СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚўЛЛАШ «АҚЛИ ШАҲАР»ЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, «АДОЛАТ КўПРИГИ»НИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига дадал кириб бормоқда. Бу йўналишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча, эскича ишланган тараққиётдан орқада қоляпти. Юртимизда илгор ахборот технологияларидан фол фойдаланиш асосида аҳоли, бизнес ҳамда давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда жаҳон стандартларига жавоб берадиган қўлайликларни яратиш, бошқарувда адолат ва шаффоқлиқни таъминлаш ҳамда коррупциянинг олдини олишда энг яхши кўмакчи, бу — “Электрон ҳуқуқат” дур.

## ■ Долзарб мавзу

Ўзбекистон — жадал суръатларда ривожланаётган мамлакат. 35 миллиондан зиёд аҳолисининг 22 ярим миллиондан ортиғи интернет фойдаланувчилари ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан “Электрон ҳуқуқат” соҳасидаги муҳим ҳужжат — “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси қабул қилинди. Бу борада давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Тармоқ ва худуд раҳбарлари рақамлаштиришиз натижа, ривожланиш бўлмаслигини тушуниб етиши шарт. Барча даражадаги раҳбарлар буни ўзига кундалик вазифа сифатида белгилаб, рақамлаштириш соҳасини алиф-

босидан бошлаб чуқур ўрганиши керак”. Мазкур стратегия доирасида худудларни ҳамда тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари белгиланди. Уларни амалга ошириш бўйича ҳар бир худуд ва тармоқни рақамлаштиришга қаратилган 2 мингдан ортиқ лойиҳалар тасдиқланган.

Бугунги кунда ахборот тизимлари ва ресурсларини ривожлантириш борасида “Электрон ҳуқуқат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимининг янги талқини ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Эски тизимда рўйхатдан ўтган фаол фойдаланувчилар маълумотлари янги тизимга автоматик миграция қилинди.





## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

**2-боб. Виждон эркинлигини таъминлаш асослари**

**4-модда. Виждон эркинлигини таъминлаш**

Виждон эркинлиги – бу фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилиш ёки килмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Вонга етмаганлари уларнинг хоҳиш-иродасига, ота-онасининг ёки қонуний вакилларининг хоҳиш-иродасига зид тарзда диний ташкилотларга жалб этишга йўл қўйилмайди.

Ўз динига эътиқод қилиш ёки ишониш эркинлигига нисбатан фақат қонунда назарда тутилган чекловлар таъбик этилади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартриш, унинг суверенитети ва худудий ахлитлигига путур етказиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, миллий, irqий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилиш, фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига таъовуз қилиш, фуқаролар тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи туҳматдан иборат уйдирмаларни тарқатиш, аҳоли ўртасида саросима уюғтиш ҳамда шахс, жамият ва давлатга қарши қаратилган бошқа ҳаракатлар содир этиш мақсадида диндан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

**5-модда. Виждон эркинлигини таъминлашнинг асосий устуворликлари**

Виждон эркинлигини таъминлашнинг асосий устуворликлари қуйидагилардан иборат:

Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, диний қарашлари мажбуран сингдиришга йўл қўймаган ҳолда, уларнинг виждон эркинлигига бўлган ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун тенг шарт–шароитлар яратиш;
конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда диний бағрикенгликни таъминлаш;
виждон эркинлигини таъминлашда дунёвий давлат қурилишини сақлаб қолиш;

виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонunchликка фуқаролар ҳамда диний ташкилотлар томонидан рояз этилишини таъминлаш;

жамоат тартибига, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиғи ва ахлоқига, ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи диний гоғлар ҳамда қарашларнинг сингдирилиши ва тарқатилишига қарши курашиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмига виждон эркинлигини, шунингдек виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонunchликнинг амалда изчил ҳамда бир хил тарзда қўлланилишини таъминлашга доир чораларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади).

**6-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, динга муносабатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланади ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонunchликни бузганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Расмий ҳужжатларда фуқароларнинг динга нисбатан муносабатини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини уларнинг динга муносабатига қараб ҳар қандай тарзда чеклаш ва тўғридан-тўғри ёки билвосита устунликлар белгилаш, уларнинг диний ёки атеистик эътиқоди билан боғлиқ ҳолда фуқароларда адоват ва нафрат уюғтиш ёхуд уларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, худди шунингдек муқаддас диний эътиқод объектларини таҳқирлаш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан ҳеч ким ўз диний эътиқодларини сабаб қилиб бўйин товлаши мумкин эмас. Диний эътиқодларини сабаб қилиб, бир мажбуриятни бажаришни бошқасига алмаштиришга фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирор-бир устунликлар ёки чекловлар белгилашга йўл қўйилмайди.

**7-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги**

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар ва давлат органларининг фаолияти ўзаро аралашмаслик асосида амалга оширилади.

Давлат турли динларга эътиқод қиладиган ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ақидапарастлик ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Давлат конфессияларнинг тинч-тотув яшашига кафил бўлади. Миссионерлик ва прозелитизмни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг бирор-бир вазифаларини бажаришни юкламайди, уларнинг қонunchликка зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини молияялаштирмайди ва динга эътиқод қилувчиларнинг дин билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлайдиган фаолиятга йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикасида диний руҳдаги сиёсий партия ва бошқа жамоат бирилашмасининг, республикдан ташқарида тузиладиган диний партиялар ваколатхоналари ва филиалларининг ташкил этилишига ҳамда фаолиятига, сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирилашмалари фаолиятида диний ташкилотларнинг иштирок этишига, шунингдек уларга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатишига йўл қўйилмайди.

**8-модда. Таълим тизими ва дин**

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилгандир.

Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига (бундан диний таълим муассасалари мустасно) йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи, уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар, таъминланади.

Хар ким диний таълим муассасаларида профессионал диний таълим олиш ҳуқуқига эга.

Диний таълим муассасаларида ўқишга фуқаролар қонunchликка мувофиқ умумий ўрта, ўрта махсус таълим ёки профессионал таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний профессионал таълим олган шахслар диний таълим муассасаларида диний фанларни ўқитиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

**9-модда. Диний расм-русумлар ва маросимлар**

Диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган жойда, шу жумладан ибодат қилинадиган биноларда ҳамда уларга тегишли худудларда, дафн этиш жойларида, зиёратгоҳларда, диний зарурият бўлган тақдирда фуқароларнинг хоҳишига кўра уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, интернет муассасаларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида, ички ишлар органларининг реабилитация марказларида диний расм-русумлар ва маросимлар қонunchликда белгиланган тартибда, шу жойлардаги фуқароларнинг илтимосларига кўра ўтказилиши мумкин.

Ибодат қилинадиган бинолардан ташқаридаги оммавий диний расм-русумлар ва маросимлар қонunchликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Диний ташкилотлар динга эътиқод қилувчилардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

**10-модда. Диний мазмундаги материаллар, уларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш**

Диний мазмундаги материаллар диний таълимотнинг ақидавий асосларини, тарихини, диний таълимот мафқурасини ва шарҳларни, турли диний таълимотларнинг маросимлар ўтказиш амалиётини, шунингдек алоҳида шахсларнинг, тарихий фактлар ва ҳодисаларнинг диний нуқтани назардан баҳосини акс эттирувчи китоблар, рисоалар, журналлар, газеталар, varaқалар, бошқа босма нашрлар, белгилар, предметлар, рамзалр, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзувлари, мултфильмлар ва бошқалар), электрон ахборот ташувчилардан (дискетлар, CD, DVD дисклари, ўрнатилган ва ечиб олинадиган хотира карталари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган материаллар ва бошқалар) иборатдир. Ўзбекистон Республикаси худудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш жамиятда конфессияларо тотувлик ҳамда диний бағрикенглик бузилишига олиб келадиган, диний ўзравонлик ва бошбошдоқликка қараблайдиган гоғлар ҳамда қарашлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида диншunosлик экспертизасининг ижобий ҳулосаси олинганидан кейин амалга оширилади.

Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**3-боб. Диний ташкилот ташкил этиш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Диний ташкилотлар фаолиятининг қўшимча кафолатлари**

**11-модда. Диний ташкилотни ташкил этиш**

Диний ташкилот қонunchликка мувофик унинг ташаббускорлари (таъсисчилари) қарорига кўра ташкил этилади.

Диний ташкилотнинг ташаббускорлари (таъсисчилари) таъсис йиғилишини (конференциясини) чақиради, унда устав қабул қилинади ва раҳбар органлар тузилади.

Диний ташкилот рўйхатдан ўтказилган пайдтан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Диний ташкилот юридик шахсдир.

Диний ташкилот диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи (бундан буён матнда марказий бошқарув органи деб юритилади), диний таълим муассасаси ёки маҳаллий диний ташкилот шаклида ташкил этилиши мумкин.

Диний таълим муассасаси рўйхатдан ўтказилганидан ва ваколатли органнинг тегишли лицензиясини олганидан кейин ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олади.

Диний ташкилот белгиланган тартибда тақдим этиладиган ер участкаларида, ваколатли орган билан келишувга кўра ташкил этилади.

Тегишли диний профессионал таълимга эга бўлган шахс диний ташкилотнинг раҳбари бўлиши мумкин, бундан диний таълимотида диний профессионал таълим тизими назарда тутилмаган конфессиялар мустасно.

Диний ташкилотни қайта ташкил этиш унинг раҳбар органининг қарорига кўра қўйиш юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгатириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Диний ташкилотни қайта ташкил этиш қонunchликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

**12-модда. Диний ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Диний ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:
шартнома асосида бериладиган бинолардан ва мол-мулкдан, шунингдек моддий-маданий мерос объектларидан қонunchликда белгиланган тартибда ўз эhtiбeжлари учун фойдаланиш;
хайрия фаолиятини амалга ошириш;
диний ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ тадбирлар ўтказиш;
уставада кўрсатилган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва олиб чиқиш;
зиёратларни ташкил этиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида халқаро алоқалар ўрнатиш;
янги дафн этиш жойларини ташкил этиш ва мавжуд дафн этиш жойларини таъмирлаш тўғрисида таклифлар киритиш.

Диний ташкилот:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун, бошқа қонunchлик ҳужжатлари талабларига ва ўз устави қўйиларига рояз этиши;

ибодат қилиш, диний расм-русумлар ёки маросимлар учун мўлжалланган жойларда кулай шарт-шароитлар яратиши;

диний ташкилот эгалигида (фойдаланишида) бўлган моддий маданий мерос объектларининг бут сақланишини таъминлаши, бунда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонunchликда назарда тутилган талабларни мажбурий тартибда бажариши, архитектура ёдгорликларини реставрация қилиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари асосида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириши;

адлия органларини тадбирлар (конференциялар, семинарлар ва бошқалар, бундан диний расм-русумлар ва маросимлар мустасно) эркин ўтказилишида қўмаклашиш учун уларнинг ўтказилиши тўғрисидага хабардор этиши;

адлия органларини раҳбар органининг таркиби ўзагрганлиги тўғрисида ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичнда хабардор қилиши;
адлия органларига ўзининг ўтган йилги фаолияти тўғрисида белгиланган шаклда ҳар йили ахборот тақдим этишни шарт.

Диний ташкилот қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

**13-модда. Диний ташкилотлар фаолиятининг қўшимча кафолатлари**

Диний ташкилотлар ўз фаолиятини қонunchликка мувофиқ мустақил равишда амалга оширади.

Диний ташкилотлар ўз мулкида биноларга, иншоотларга, ибодат предметларига, ишлаб чиқариш объектларига, ижтимоий объектларга ва хайрия учун мўлжалланган объектларга, ўз фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағларига ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин. Диний ташкилотларнинг мулки қонун билан қўриқланади.

Диний ташкилотлар давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Диний ташкилотлар давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг диний ташкилотлар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга муурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этилади.

**4-боб. Диний ташкилотни рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби**

**14-модда. Диний ташкилотнинг таъсис ҳужжати**

Диний ташкилотни ташкил этиш ташаббускорлари (таъсисчилари) томонидан тасдиқланган устав диний ташкилотнинг таъсис ҳужжатиدير.

Диний ташкилотнинг уставида қуйидагилар назарда тутилади:
диний ташкилотнинг номи, тури, таълимот асослари тўғрисидаги ахборот ва унга мос келадиган диний фаолият ҳақидаги маълумотлар, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), ўз фаолиятини қайси худуд доирасида амалга оширса, ўша худуд;

мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари;
диний ташкилотнинг тузилиши ва раҳбар органлари;
диний ташкилотнинг раҳбар органларининг ваколат доираси ва ушбу органларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари муддатлари, доимий асосда фаолият кўрсатадиган раҳбар органининг жойлашган ери (почта манзили);
пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари, диний ташкилотнинг ҳамда унинг таркибий бўлимчаларининг мол-мулкни бошқаришга доир ҳуқуқлари;
диний ташкилотни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, шунингдек диний ташкилот тугатилган тақдирда унинг мол-мулкини тасарруф этиш тартиби;

уставага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Уставада диний ташкилотнинг қонunchликка зид бўлмаган фаолиятига тааллуқли бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Диний ташкилот уставининг талаблари диний ташкилотнинг ўзи, уни тузиш ташаббускорлари (таъсисчилари) учун мажбурийдир. Марказий бошқарув органларига эга бўлган диний ташкилотларнинг уставлари ушбу органлар билан келишилган бўлиши керак.

**15-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) чоғида давлат хизматлари кўрсатиш**

Давлат хизматлари, шу жумладан диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда (қайта рўйхатдан ўтказишда) хизматлар адлия органларининг электрон тизими орқали кўрсатилади.

Электрон тизимга кириш электрон рақамли имзо ёки шахсни идентификациялаш имконини бeрyвчи бошқа усуллар орқали амалга оширилади.

Муурожаат қилувчи электрон тизимга кирганидан кейин ўзининг шахсий кабинетидаги тегишли муурожаат турини танлайди, маълумотларни босқичма-босқич киритади ва ҳужжатларни электрон тизим орқали юборади.

Электрон тизимда шакллантирилган ёки адлия органлари томонидан юборилган электрон ҳужжатларда матрицали штрих код (QR-код) ва идентификацияланган рақамлар мавжуд бўлади. Бунда электрон ҳужжатда кўрсатилган идентификацияланган рақамни электрон тизимнинг махсус бўлимига киритиш орқали электрон ҳужжат тўғрисидаги ахборотни олиш учун имконият яратилади.

Электрон тизимнинг ишлаш тартиби, маълумотларнинг турлари ва шакллари, шунингдек электрон ҳужжатларнинг намуналари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

**16-модда. Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш**

Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш адлия органлари (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи органлар деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Марказий бошқарув органларини ва диний таълим муассасаларини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, маҳаллий диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш эса тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги диний ташкилотларнинг чет эл фуқаролари бўлган ходимларни (раҳбарларини), шунингдек уларнинг ўз қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитация қилишни амалга оширади.

Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказганлик, диний ташкилотларнинг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг ўз қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитация қилганлик учун «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказган орган ушбу ташкилот фаолиятининг устав мақсадларига ва қонunchликка мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширади.

**17-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар**

Диний ташкилотни ташкил этиш бўйича таъсис йиғилиши (конференцияси) ўтказилган кундан эътиборан олти ой ичнда уни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон муурожаат рўйхатдан ўтказувчи органга юборилади.

Марказий бошқарув органини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон муурожаатга қуйидаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

таъсис йиғилишининг (конференциясининг) марказий бошқарув органини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва бошқарув органларини сайлаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган қарорининг;
марказий бошқарув органининг давлат тилидаги уставининг;
жойлашган еридан диний ташкилотнинг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўчмас мулкка эгалик қилиш ёки ундан фойдаланилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатининг;
марказий бошқарув органининг таъсисчилари ва унинг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги ҳужжатларнинг;
марказий бошқарув органининг раҳбарида диний профессионал маълумот мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг, бундан таълимоти диний профессионал таълим тизимини назарда тутмайдиган конфессиялар мустасно;

ваколатли орган ҳулосасининг;

Диний таълим муассасасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон муурожаатга қуйидаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

марказий бошқарув органининг диний таълим муассасасини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш (тайинлаш) бўйича маълумотларни ўз ичига олган қарорининг;

диний таълим муассасасининг давлат тилидаги уставининг;
диний таълим муассасасининг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги ҳужжатларнинг;

ваколатли орган ҳулосасининг.

Маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон муурожаатга қуйидаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

маҳаллий диний ташкилотни ўз ташаббусига кўра тузаётган, ўн саккиз ёшга тўлган, эзлик нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари имзоларини ўз ичига олган ҳужжатнинг;
таъсис йиғилишининг маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган қарорининг;
маҳаллий диний ташкилотнинг давлат тилидаги уставининг;
маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш ташаббускорлари тўғрисидаги ва унинг раҳбар органи аъзолари ҳақидаги ҳужжатларнинг;

маҳаллий диний ташкилотнинг раҳбарида диний профессионал маълумот мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг, бундан таълимоти диний профессионал таълим тизимини назарда тутмайдиган конфессиялар мустасно;

ваколатли орган ҳулосасининг;

маҳаллий диний ташкилотнинг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўч



	<span><span><span></span></span></span>	
<span><span><span></span></span></span>		
<span><span><span></span></span></span>		
<span><span><span></span></span></span>		
<span><span><span></span></span></span>		
<span><span><span></span></span></span>		

(Давоми. Бошланishi 1, 2-бетларда).

<p><b>22-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш яқунлари</b></p>
<p>Рўйхатдан ўтказувчи орган диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш яқунларига кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:</p> <p>диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги;</p> <p>диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч иш куни ичида:</p> <p>диний ташкилот ҳақидаги маълумотларни диний ташкилотлар реестрига киритади;</p> <p>диний ташкилотни солиқ органларида ва статистика органларида ҳисоба қўйишни амалга оширади;</p> <p>электрон тизимда диний ташкилотнинг шахсий кабинетини яратади;</p> <p>диний ташкилотнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги электрон гувоҳномани шакллантиради;</p> <p>диний ташкилотнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги электрон гувоҳномани ва диний ташкилот уставини диний ташкилотнинг электрон тизимдаги шахсий кабинетига юборади.</p> <p>Диний ташкилотнинг қайта рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги электрон гувоҳномада диний ташкилот ҳақидаги аввалги маълумотлар, шу жумладан унинг номи, рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, диний ташкилот рўйхатдан ўтказилган сана, шунингдек қайта рўйхатдан ўтказилган сана кўрсатилади.</p> <p>Рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзгариши муносабати билан диний ташкилот қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда, янгитдан рўйхатдан ўтказган орган илгариги рўйхатдан ўтказувчи органини тегишли рўйхатдан ўтказишга оид маълумотларни кўрсатган ҳолда электрон тизим орқали бу ҳақда хабардор қилади.</p> <p>Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, қарор қабул қилинган кундан кейин бир иш куни ичида электрон мурожаатни юборувчининг электрон тизимдаги шахсий кабинетига рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.</p> <p>Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги, башарти рад этиш асослари бартараф этилса, ҳужжатларни тақроран тақдим этиш учун монелик қилмайди.</p>
<p><b>23-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асослар</b></p>
<p>Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин, агар:</p> <p>диний ташкилотнинг ташкил этилиши конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига қарши чиқиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, иктымолни, миллий, irqий ҳамда диний адоватни тарғиб этиш, фуқароларнинг соғлиғига ва халқнинг маънавиятга тажовуз қилиш мақсадини кўзлаган бўлса;</p> <p>диний ташкилотни тузишинг қонунда белгиланган тартиби бузилган бўлса ёки тақдим этилган ҳужжатларда қонунчиликка номувофиқликлар мавжуд бўлса;</p> <p>тузилаётган ташкилот диний ташкилот сифатида эътироф этилмаган бўлса;</p> <p>тақдим этилган таъсис ҳужжатларида атайин нотўғри ахборот мавжудлиги аниқланган бўлса.</p> <p>Рўйхатдан ўтказувчи органнинг диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.</p>
<p><b>24-модда. Диний ташкилотлар реестри</b></p>
<p>Рўйхатдан ўтказилган диний ташкилот адлия органлари томонидан электрон тизимда юритиладиган ва ҳамма танишиб чиқиши учун очиқ бўлган диний ташкилотлар реестрига (бундан буюн матнда реестр деб юритилади) киритилади.</p> <p>Реестрда қуйидагилар кўрсатилади:</p> <p>диний ташкилотнинг номи ва унинг қайси конфессияга мансублиги;</p> <p>диний ташкилотнинг жойлашган ери (почта манзили);</p> <p>диний ташкилот фаолият кўрсатадиган ҳудуд;</p> <p>ташаббускорлар (таъсисчилар) иштирокчилар тўғрисидаги ахборот (фамилияси, исми, отасининг исми), алоқа боғлаш учун маълумотлар;</p> <p>раҳбар органнинг номи ва почта манзили, алоқа боғлаш учун маълумотлар;</p> <p>диний ташкилот рўйхатдан ўтказилган сана ва бошқа ахборот.</p>

# Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги

# Ўзбекистон Республикаси Қонунига ШАРХ

## 1. ҚОНУНГА ТАЪТИЛ

Эътиқодлар хилма-хил бўлган ва кўп миллатли жамиятда бағрикенглик, ҳамжихатлик ва ўзаро тотувлик муҳити, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат туйғуларини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш иктымолӣ ҳаёт фаровонлигига эришишнинг асосий гаровидир.

Дин шахсий дунёқараш ва амал бўлиб, қонун уни тўлиқ қафолатлайди, ҳар бир шахсини диний ҳиссиётлари камситилишидан ҳамюнаяди.

Ўзбекистон қадимдан турли миллат ва элат ҳамда конфессия вакиллари ўзаро тинч-тотув яшаб, ўз диний ибодат ва расм-рўсумларини эмин-эркин бажариб келган бағрикенг диёр сифатида қадрланади. Мамлакатимизнинг ушбу йўналишда олиб бораётган изчил сиёсати халқумиз ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Ортимизда виждон эркинлигини таъминлаш ҳар доим устувор вазифалардан бири бўлиб келган. Шу боис парламентимиз томонидан **“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги** Қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ушбу мақсадда Қонун виждон эркинлиги меъёрларини аниқ кўрсатиб, фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қансидинга эътиқод қилмаслигини таъминлайди. Шунингдек, ҳар қандай динга зўравонлик билан киритишни таъқиқлайди.

Демократик давлатлар қаторида, қонун устуворлиги тамойилидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам диннинг сиёсатга аралashiни ҳамда диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги Қонунда аниқ кўрсатилади.

Қонунни тайёрлашда бу борадаги халқаро меъёр ва талаблар, биринчи навбатда, **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт** ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг **умумий тартибдаги шарҳлари** пукта ўрнқилиб, улардаги асосий қоида ва тамойиллари инобатга олинди.

Юртимизда тарихан шаклланган анъана, урф-одат ва қадриятлари ҳисобга олган ҳолда, Қонунда

www.xs.uz

/xalqsuzi.uz

@xs\_uz



ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ МУВОЗАНАТИ

Фракция аъзоси Ўқтам Исломов ушбу қонун лойиҳаси ҳақида фикр билдириб, қанча ер хусусий секторга бериб юборилгани ёки бугун қишлоқ ҳўжалигида қанча ердан фойдаланилаётгани бўйича ҳақон аниқ ҳисоб-китоб йўқлиги, яъни электрон база яратилмаганига эътироз билдирди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида кун тартибидagi масалалар қаторида "Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда фракция аъзолари ва мутасадди ташкилотлар масъулилари иштирокида кўриб чиқилди.

ЕР АЖРАТИШДА ЯГОНА ШАХС ТОМОНИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ ТУГАТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши онлайн тарзда бўлиб ўтди. Йиғилишда "Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ўзгариш ва ўқимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасида солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, фирибгарлик учун жавобгарлик чораларини янада қучайтириш, солиққа оид айрим қонунбузарлик ишларини кўриш суддан солиқ идораларига ўтказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, қонунбузарлик бўйича иш юритилиши электрон тизими яратилмоқда.

ЕР АЖРАТИШДА ЯГОНА ШАХС ТОМОНИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ ТУГАТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши онлайн тарзда бўлиб ўтди. Йиғилишда "Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ўзгариш ва ўқимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

ЕР АЖРАТИШДА ЯГОНА ШАХС ТОМОНИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ ТУГАТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши онлайн тарзда бўлиб ўтди. Йиғилишда "Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ўзгариш ва ўқимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

ЁШЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЯНГИ СУРЪАТДА ДАВОМ ЭТАДИ

Давлат раҳбари ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирларга ҳам алоҳида тўхтади. Хусусан, жорий йилнинг ўзида 92 мингдан зиёд ўғил-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилган.



Таълим муассасаларини қарийб 560 минг нафар ёшлар таъминлаб, мустақил ҳаётга кириб келмоқда. Шу маънода, бундан кейин ҳам ёшлар бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишиларидан бири бўлиб қолади.

Яъни бу борада ҳар ўқув йили қилинган таълим тўлиқ, вилоят ҳамда республика даражасида битирувчилар бандлигини таъминлашга оид дастурлар қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Қишлоқларда яшаётган 230 мингдан зиёд ишсиз ёшларга деҳқончилик билан шуғулланишлари учун жорий йилда 61 минг гектар ер майдонлари ажратилди.

Қайтариш учун тўлаган маблағларни даромад солиғидан тўлик озод қилганиди. Умуман, эртанги эгалари бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, хусусан, уларни моддий томондан рағбатлантириш Ўзбекистонда олиб борилаётган халқаравар сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу янги суръат касб эътибори барчамизни мамнун қилади.

Эркин ГАДОЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

ЮКСАК ИШОНЧНИ, АЛБАТТА, ОҚЛАЙМИЗ!

Учрашувда давлатимиз раҳбари ёшларга жорий йилда ҳам қатор имкониятлар яратиш берилиши тўғрисида сўз юритар экан, Ёшлар парламенти алоҳида эътибор билан Парламент мактабларини ташкил қилиш тақдирини илгари сурди.

Шунингдек, тадбирда Президентимизнинг изланувчан ҳар бир ёшга алоҳида эътибор қаратганидан бошимиз кўкка етди. Хусусан, менинг камтарин меҳнатим "Мард ўғлон" давлат мукофотига лойиқ қўрилиб, бу юксак муко-

фотни шахсан давлатимиз раҳбаридан қабул қилганим келгусида аянам кўпроқ изланишга рағбатлантириши, шубҳасиз.

Юртбошимизнинг учрашувда "Менинг энг катта ишонган кучим, давлатимизнинг энг катта бойлиғи — бу ёшлар", деб айтган сўзлари ҳар бир ёшнинг қалбига муҳрланди, десам, ҳато бўлмайди. Биз ва тенгқурларим ана шу юксак ишончни, албатта, оқлаймиз!

Шохрух ШАРОПОВ, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.

«ЎРИКЛИСОЙ»ДА КЕЧАЁТГАН ИЖОД БАЙРАМИ

Анъанага мувофиқ, 5 июль кунини эрта тонгдан ёш ижодкорлар, устоз ёзувчи-шоирлар, публицист-драматурглар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари Ёзувчилар уюшмаси биноси олдида жам бўлди.



Шунос олимлардан иборат 35 кишилик ишчи гуруҳ ташкил қилинган. Бу йилги семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 66 нафар ёш ижодкор ҳамда ҳамкор табириклотлар томонидан ташкирланган анъанавий кўшиқ

ижрочилари, бастакорлар, кинематография соҳаси ёш ижодкорлари, рассомлар (киتابат санъати йўналишида таҳсил олаётган талабалар) иштирок этишаётди. Семинар 8 июлгача давом этади.

СПОРТ хабарлари

БОКСЧИЛАРИМИЗ ТОКИОГА ЕТИБ БОРДИ

2020 йил ўтказилиши мўлжалланган ва пандемия туфайли қолдирилган анъанавий ёзги Олимпия ўйинлари бу йил 23 июль — 8 август кунлари Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтади.



Спортнинг бокс тури бўйича лицензиялари кўлга киритган атлетларимиз Олимпиада очилишдан бир мuddат олдинроқ ушбу мамлакатга етиб борди. Тайёргарлик режасига кўра, улар сўнгги йиғин боксчинини мусобақа ўтказиладиган мамлакатнинг ўзига олиб борди.

Улар куйидаги таркиб билан иштирок этади: Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг.), Мирализбек Мирзахалилов (-56 кг.), Элнур Абдураимов (-63 кг.), Бобоусмон Ботуров (-69 кг.), Фанат Қарамонов (-75 кг.), Дилшодбек Рўзметов (-81 кг.), Санжар Турсунов (-91 кг.), Баҳодир Жалолов (+91 кг.), Турсунов Раҳимов (-51 кг.), Райхона Қодирова (-60 кг.), Шаҳноза Юнусова (-69 кг.).

ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА ЙЎЛЛАМА ОЛГАНЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Олмалик шаҳридаги спорт мажмуасида "Ёшлар — бизнинг келажагимиз!" шиори остида бўлиб ўтган тантанали тадбирда Токиода ўтадиган ёзги Олимпия ҳамда Паралимпия ўйинларига йўлланмаларни кўлга киритган бир гуруҳ Тошкент вилоятилик спортчиларга уй, "Спарк" русумли автомобиллар ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Жумладан, парасузиш спортининг Паралимпия ўйинларига йўлланма олган Ислам Асламовга 2 хонали уй, таъвозида WTF бўйича терма жамоа аъзоси Светлана Осипова ҳамда юнон-рум курашчиси Элмурод Тасмурадовнинг ҳар бирига "Спарк" автомобили, паралимпиячиларимизга Шаҳноза Мирзаева ҳамда Ҳайитмурод Шерқўзиёвага 50 миллион

сўмдан пул мукофоти, Саиджаббор Дадахоновга эса замонавий спорт велосипеди совға қилинди. Тадбирда қатнашган Тошкент вилояти ҳокими Даврон Ҳидоятлов ёшларга ўзининг салимий тилақларини билдириб, Олимпиадасида муваффақият ёр бўлишини тилади.

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚЎЛЛАШ «АҚЛИ ШАҲАР»ЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, «АДОЛАТ КЎПРИГИ»НИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тизим ишга тушганига қисқа вақт бўлганига қарамай, бугунги кунда унинг фойдаланувчилари сонини 820 мингга етди. Ҳозирги кунда ушбу тизимга давлат идоралари ва ташкилотларнинг 60 дан ортиқ ахборот тизимлари ҳамда ресурслари интеграция қилинган. Давлат органларида "Электрон ҳукумат"нинг жорий этилган ва жорий этилаётган ахборот тизимлари ҳисобини юритиш ҳамда мониторингини олиб бориш, шунингдек, лойиҳа-техник ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнини электрон шаклга ўтказиш имкониятини яратиш мақсадида "Электрон ҳукумат"нинг ахборот тизимлари ва ресурсларининг ягона реестри ахборот тизими ишлаб чиқилиб, ишга туширилди.

порталга бир неча янгилик ва ўзгаришлар киритилди, жумладан, электрон тўлов имкониятлари кенгайтирилди, портал интерфейси янгилайди ҳамда статистик маълумотлар янада аниқроқ ва кенгроқ ёрилади. Уз навбатида, 2021 йил давомида 60 та хизмат мазкур порталга жорий қилиниб, умумий хизматлар сонини

COVID-19 га вакциналаш (эмлаш) учун рўйхатга ёзилиш, бино ҳамда иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгаришсини келишиш, нодавлат мактабдан ташқари таълим фаолияти, чет тилларни ўргатиш бўйича ўқув курслари фаолияти учун хабарнома юбориш мумкин. "Электрон ҳукумат"ни янада ритрон



Идораларо интеграция платформаси тақомиллаштирилиб, давлат органларининг 120 дан ортиқ ахборот тизимлари ва хизматлари ўртасида ойига ўртача 100 миллиондан ортиқ ахборот алмашинуви амалга оширилмоқда. Ушбу кўрсаткичлар 2020 йилдаги нисбатан 2 баравар, 2019 йилдаги нисбатан эса 7 баравар кўпдир. Бу жараёнлар инсон омили иштирокини қамайтириб, коррупцияни йўқотишга, адалат ҳамда шафқатликни таъминлашга ёрдам беради.

Ҳайрулла РЎЗМЕТОВ, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори.

Бугунги кунда Давлат хизматлари реестрида 80 дан ортиқ давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида 716 та хизмат мавжуд, шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 50 та янги хизмат жорий этилиб, ҳозирда порталдаги жами электрон хизматлар сонини 216 тани ташкил қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан "Электрон ҳукумат" соҳасидаги муҳим ҳужжат — "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси қабул қилинди. Бу борада давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари рақамлаштириш натижа, ривожланиш бўлмаслигини тушуниб етиши шарт. Барча даражадаги раҳбарлар буни ўзига кундалик вазифа сифатида белгилаб, рақамлаштириш соҳасини алифбоддан бошлаб чуқур ўрганиши керак".

300 тагача етказиш режалаштирилган. Бугунги кунда 20 та хизмат жорий этилган бўлиб, жумладан, вожлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар давом этмоқда. Жумладан, "Электрон ҳукумат"нинг

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 748. 30 416 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қогоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўриб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов. Мусахҳиҳ — С. Исломов. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ҶА ақуни — 00.55 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6